

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ  
БИР МАРОТАБАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУМАНИЯЗОВА ИЛМИРА КАМИЛЖАНОВНА**

**ИНСУЛЬТ ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАР ЭМОЦИОНАЛ ҲОЛАТЛАРИНИНГ  
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.04 – Тиббий ва махсус психология**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2022**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
psychological sciences**

**Жуманиязова Илмира Камилжановна**

Инсулт ўтказган беморлар эмоционал ҳолатларнинг психологик  
хусусиятлари.....3

**Жуманиязова Илмира Камилжановна**

Психологические особенности эмоциональных состояний у больных с  
перенесших инсульт.....25

**Zhumaniyazova Imira Kamilzhanovna**

Psychological characteristics of emotional states in patients with  
stroke.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....51

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ  
БИР МАРОТАБАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУМАНИЯЗОВА ИЛМИРА КАМИЛЖАНОВНА**

**ИНСУЛЬТ ЎТКАЗГАН БЕМОРЛАР ЭМОЦИОНАЛ ҲОЛАТЛАРИНИНГ  
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.04 – Тиббий ва махсус психология**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/P187 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (psi-ik@uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Нишанова Замира Таскараевна**  
психология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ҳайитов Ойбек Эшбоевич**  
психология фанлари доктори, профессор

**Ибодуллаев Зарифбой Раджабович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат шарқшунослик университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.А.Акрамова**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси,  
психол.ф.д., доцент

**Н.Б.Атабаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш котиби, психология фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Н.Ғ.Камилова**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, психол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда инсулт касаллиги одамлар касаллиқни бошдан ўтказгандан сўнг ногирон бўлиб қолишининг асосий ва ўлимида иккинчи етакчи сабаб сифатида етакчилик қилмоқда. Ҳар тўртта инсоннинг бирида ҳаёти давомида инсулт хавфи мавжуд бўлса ҳам, «мазкур касаллик 70% иқтисодий жиҳатдан паст ва ўрта даромадли мамлакатларда учрайди, бу эса инсулт туфайли ўлимнинг 87% ини қамраб олади. Цереброваскуляр касалликлар орасида эса ишемик инсулт 75–90 % ни ташкил қилади»<sup>1</sup>. 2030 йилга бориб инсулт сабабли ўлим ҳолатларининг динамик ўсиши, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра «инсултнинг олдини олиш ва даволаш аҳоли саломатлиги учун устувор вазифа» ҳисобланиб, у билан курашиш бўйича фаол глобал чоралар кўрилиши давр талаби бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам инсултни даволаш ва реабилитация тадбирларини эрта бошлаш, беморларнинг саломатлигини тиклаш бугунги кунда бутун жаҳон миқёсидаги долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳондаги таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида инсулт ўтказган беморларга ўзига хос тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш, уларни психологик тиклаш, касалликдан кейин юзага келадиган когнитив, эмоционал, хулқ-атвор бузилишлари намоён бўлишини илмий ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада инсулт касаллигининг ривожланишининг олдини олиш, инсулт профилактикасига жиддий аҳамият бериш, аҳоли саломатлигини асрашда психологик тарғибот-ташвиқот, тиббий, реабилитацион, ташкилий масалаларни жорий этиш зарурати юзага келмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизмат кўрсатишни янада юқори даражаларга олиб чиқиш, меҳнатга лаёқатли ва кекса ёшдаги кишиларда инсулт касаллигининг олдини олиш ва асоратларини даволаш борасида зарур ҳуқуқий-меъёрий асос яратилди. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самараси орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва профилактика қилиш...»<sup>2</sup> вазифалари устувор этиб белгиланганлиги сабабли инсултни даволаш ва реабилитация тадбирларини эрта бошлаш, беморларнинг саломатлигини тиклаш, уларга психологик ёрдам кўрсатиш чораларини такомиллаштириш юзасидан илмий

<sup>1</sup> <https://www.who.int/southeastasia/news/speeches/detail/world-stroke-day-2019>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони <https://lex.uz/docs/4096197>

тадқиқотларни чуқурлаштиришга қаратилган янгича назарий ечимларни топиш имкониятлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 3 февралдаги ПФ-4190 сон «Ўзбекистон Республикасида аҳоли руҳий саломатлигини сақлаш хизматини ривожлантириш бўйича 2019-2025 йилларга мўлжалланган концепцияси тўғрисида» Фармонлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 472-сон «Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар доирасида белгиланган кенг кўламли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда инсулт касаллигини тиббий жиҳатдан ўзбек олимларидан З.Б.Ажиева, М.М.Асадуллаев, И.А.Киличев, Э.М.Мирджураев, Б.Г.Ғафуров ва бошқалар ўрганишган. Психолог олимлардан: Ш.Р.Баротов, В.М.Каримова, З.Т.Нишанова, Ғ.Б.Шоумаров, Б.Р.Қодиров, Э.Ғ.Ғозиев ва бошқалар ўз тадқиқотларида тиббиёт психология, психогигиена, психологик хизмат аҳамиятини илмий тадқиқ этишган бўлса, тиббий психология бўйича олимлардан З.Р.Ибодуллаев, Д.И.Илхамова, Ю.К.Нарметова, Н.Р.Салимова, Д.А.Уразбаева, С.А.Қарахоновалар томонидан касалликларнинг келиб чиқиши, ташхислаш, даволашда психологик хусусиятлар, беморларнинг руҳий ҳолати ва шахсий эмоционал ҳолатлари, касалликда психотерапиянинг қўлланиши масалалари илмий-амалий тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан: Т.Д.Демиденко, Н.Г.Ермакова, В.И.Козлов, А.А.Коралев, О.Э.Мальнева, И.С.Михнева, Э.А.Петрова, Ю.Г.Петрова, М.А.Савина, Н.В.Шаклунова, Н.В.Шахпарова, Е.И.Янковская ва бошқаларнинг илмий изланишларида инсулт касаллигидан кейинги когнитив, хавотирли-депрессив бузилишлар, реабилитацион тадбирлар аҳамияти ва оилавий психотерапевтик ёрдам кўрсатишнинг самарадорлиги масалалари илмий тадқиқ этилган.

Хориж олимларидан М.Астро'м, S.Аубек, Е.Clarke, Т.Cumming, М.Накетт, К.Неилман, М.Неррманн, М.Номмел, А.Леппеавуори, Р.Маскулпан,

C.Storey, C.Vickery, H.Wahl ва бошқалар касалликдан кейинги депрессия (рухий тушкунлик), хавотирлилик, инсультнинг бошланишида (пост-травматик стресс), ногиронлик (йиқилиб тушишдан кўрқиш), ўз-ўзига нисбатан муносабат каби масалаларини илмий тадқиқ этилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертацион тадқиқот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган ПЗ-20170923121-рақамли «Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2018 -2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** инсульт ўтказган беморларнинг эмоционал ҳолатларини ўрганиш орқали уларнинг реабилитация жараёнига ёрдам берувчи тиббий-психологик хизмат сифатини оширишга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўнг ва чап ярим шар инсулти ўтказган беморларда психик саломатлик ва эмоционал ҳолатлар билан шартланган ролли фаолиятнинг намоён бўлишидаги индивидуал-психологик хусусиятларни ўзаро алоқадорлигини илмий тадқиқ этиш;

ўнг ва чап ярим шар инсулти ўтказган беморларининг касалликка муносабатини диффуз ҳолда учрашига кўра психоэмоционал ҳолат таъсирида юзага келувчи шахс индивидуал фарқлар, алоқадорликларини илмий далиллаш;

даволанишнинг турли даврларида бўлган беморлардаги ҳаёт сифати кўрсаткичларини психик саломатликка таъсири натижасида эмоционал ҳолатлар дифференциациясини таҳлил қилиш;

ишемик инсульт ташхиси қўйилган беморлар психик саломатлигини барқарорлаштиришга қаратилган психокоррекцион дастурни ишлаб чиқиш ва тиббий-психологик хизмат сифатини оширишга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ишемик инсульт ўтказган беморлар эмоционал ҳолатлари танланган бўлиб, Тошкент Тиббиёт Академиясининг кўп тармоқли клиникаси, Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиникаси рўйхатида турган ва даволанаётган 33-78 ёшли 57 нафар эркак, 40 нафар аёл, жами 97 нафар бемор, ишемик инсульт касаллиги аниқланмаган 40 нафар соғлом шахслар, жами 137 нафар респондентлар тадқиқотга жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни инсульт ўтказган беморларнинг эмоционал ҳолатлари ва уларга психокоррекцион таъсир кўрсатиш жараёни ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда кузатиш, суҳбат методлари, шунингдек, З.Р.Ибодуллаевнинг психологик статусни баҳолаш учун тиббий психологик анкетаси (патент № 001031), E.John, D.Cathy «SF-36 – Ҳаёт

сифатини баҳолаш» методикаси, Ч.Д.Спилбергер ва Ю.Л.Ханиннинг «Вазиятли ва шахсий хавотирланиш даражасини аниқлаш» методикаси, М.П.Мирошников, В.А.Доскин, Н.А.Лаврентева, В.Б.Шарайларнинг «ЎФК» (Ўз-ўзини ҳис қилиш, фаоллик, кайфият) сўровномаси, «БИШС» (Бехтерев институти шахс сўровномаси), А.Бекнинг «Депрессияни аниқлаш» тест-сўровномаси, олинган эмпирик натижаларнинг ишончлилик даражасини тасдиқлашда математик-статистика методларидан К.Пирсоннинг r-корреляция коэффиценти, Стъюдентнинг t - мезонидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ҳаёт сифати кўрсаткичларининг инсулт касаллиги бош миянинг ўнг ва чап ярим шарларда ривожланиши, ривожланиши, кечиши ва даволанишга таъсири натижасида беморларнинг касалликка муносабатига вазиятли ва шахсий хавотирланишнинг интенсив сингиб бориши асосида депрессия даражасини ортиши туфайли, психик саломатлик ҳамда эмоционал ҳолатлар билан шартланган ролли фаолиятнинг намоён бўлишида индивидуал хусусиятларнинг устуворлиги далилланган;

бош миянинг ўнг ва чап ярим шарларда инсулт ўтказган беморларнинг касалликка муносабатининг диффуз ҳолда учрашига кўра, неврастения, хавотирланувчанлик, апатик, сензитив, эгоцентрик сифатларни беқарор психоэмоционал ҳолат таъсирида кучайиши туфайли шахс индивидуал типологик хусусиятларида дифференциал фарқлар кузатилиши асосланган;

даволанишнинг турли даврларида бўлган беморлардаги ҳаёт сифати кўрсаткичларини психик саломатликка таъсири натижасида шахснинг «ўз-ўзини ҳис қилиши», «фаоллик»ни реактив хавотирланиш призмасида идрок қилинишига асосланиб, эмоционал ҳолатлар дифференциацияси кузатилиши далилланган;

ишемик инсулт ташхиси қўйилган беморларнинг психик саломатлигини барқарорлаштиришда когнитив, ижодий, мотивацион-иродавий, ижтимоий соҳаларга аутоген таъсирни муҳимлигига кўра, эмоционал ҳолатларга экзистенциал-коррекцион ёндашувнинг зарурати асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

республика миқёсида, инсулт ўтказган беморларга психологик ёрдам кўрсатишда, уларнинг касалликдан кейинги эмоционал ҳолатларини ўрганишга доир методика ва сўровномалар қўлланилган;

инсулт ўтказган беморларда касалликнинг даврларига мос равишда ҳаёт сифати кўрсаткичлари, эмоционал ҳолатлари, касалликка муносабат типларини аниқлаш орқали уларнинг эмоционал ҳолатларидаги ўзгаришлар аниқланган;

инсулт ўтказган беморларга психологик хизмат кўрсатишга доир психокоррекцион дастур ишлаб чиқилган ва уларнинг эмоционал-ҳиссий соҳасига таъсир кўрсатиш модели амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларнинг ишончлиги** аввало тадқиқот объектларининг мақсадга мос танланганлиги, илмий текшириш ва

тренинглarda қатнашган респондентларнинг етарлича репрезентативлиги, танлаган методикаларнинг валидлиги ва ишончилиги, олинган эмпирик миқдорлар математик-статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида қайта ишлангани билан белгиланади. Шунингдек, тадқиқот давомида шакллантирилган, таклиф ва тавсияларнинг бир вақтда турли йўналишларда амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли муассасалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инсулт ўтказган беморларнинг ҳаёт сифати, уларда касаллик кечиши, уни даволаш самарадорлиги эмоционал соҳа билан алоқадорлиги, беморларнинг касаллик даврлари хусусиятларига эътибор қаратган ҳолда касалликнинг ижтимоий аҳамиятини ва касалликка муносабат типларини аниқлаштириш, беморлар эмоционал соҳасига таъсир қилишнинг психологик модели мазмун моҳияти очиқ берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, қўлга киритилган натижалар олий таълим муассасарида «Тиббиёт психологияси», «Психодиагностика», «Умумий психология», «Психокоррекция», «Психологик хизмат», «Психогигиена», «Социал психологик тренинг» фанларининг ўқитилишини мазмунан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган психокоррекцион дастурдан тиббий психологлар ўз амалиётида фойдаланишлари, невролог шифокорлар беморларни даволашда, малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда самарали фойдаланиши мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ишемик инсулт ўтказган беморларнинг эмоционал ҳолатларининг психологик хусусиятлари бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида: ҳаёт сифати кўрсаткичларининг инсулт касаллиги бош миянинг ўнг ва чап ярим шарларда ривожланиши, кечиши ва даволанишга таъсири натижасида беморларнинг касалликка муносабатига вазиятли ва шахсий ҳавотирланишнинг интенсив сингиб бориши асосида депрессия даражасини ортиши туфайли, психик саломатлик ҳамда эмоционал ҳолатлар билан шартланган ролли фаолиятнинг намоён бўлишида индивидуал хусусиятларнинг устуворлиги далиллангани тўғрисида Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-амалий марказининг 2022 йил 15 июндаги П-М-05-м сонли буйруғи билан «Психодиагностика» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-амалий Марказининг 2022 йил 15 июнь П-М-05-м-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида бўлажак амалиётчи психологларнинг инсулт касаллигини даволашга таъсир қилувчи, ҳаёт сифати кўрсаткичлари, эмоционал ҳолатлари, касалликка муносабат типлари борасида илмий-назарий тайёрлигини сифат жиҳатдан оширишга қаратилган услубий маълумотлар билан бойитишга эришилган;

бош миянинг ўнг ва чап ярим шарларда инсульт ўтказган беморларнинг касалликка муносабатининг диффуз ҳолда учрашига кўра, неврастения, хавотирланувчанлик, апатик, сензитив, эгоцентрик сифатларни беқарор психоэмоционал ҳолат таъсирида кучайиши туфайли шахс индивидуал типологик хусусиятларида дифференциал фарқлар кузатилиши асосланган илмий хулосалар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 20 июндаги 8-7-7/726-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида беморларнинг хавотирланиш, касалликка муносабат, кайфият каби эмоционал соҳа бузилишлари, ўзгаришларни аниқлаш асосида даволашда дифференциал фарқларни эътиборга олиш имконини берган;

даволанишнинг турли даврларида бўлган беморлардаги ҳаёт сифати кўрсаткичларини психик саломатликка таъсири натижасида шахснинг «ўз-ўзини ҳис қилиши», «фаоллик»ни реактив хавотирланиш призмасида идрок қилинишига асосланиб, эмоционал ҳолатлар дифференциацияси кузатилиши далилланган илмий тавсиялар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 20 июндаги 8-7-7/ 726-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида олинган психодиагностик таҳлиллар тиббий психология амалиётида беморларнинг нафақат касалликни ўзини, балки ҳар бир даврга мос эмоционал ҳолатлар дифференциацияси эътиборга олган ҳолатда бажарилиши асосида тиббий-психологик ёрдам самардорлигини кучайтириш имконини берган;

ишемик инсульт ташхиси қўйилган беморларнинг психик саломатлигини барқарорлаштиришда когнитив, ижодий, мотивацион-иродавий, ижтимоий соҳаларга аутоген таъсирни муҳимлигига кўра, эмоционал ҳолатларга экзистенциал-коррекцион ёндашувнинг зарурати асосланган ҳақида илмий хулосалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-амалий марказининг 2022 йил 15 июндаги П-М-05-м сонли буйруғи билан «Психодиагностика» ва «Психогигиена» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-амалий Марказининг 2022 йил 15 июндаги П-М-05-м-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида инсульт ўтказган беморларнинг когнитив, ижодий, мотивацион-иродавий соҳаларига экзистенциал-коррекцион ёндашув асосида эмоциол ҳолатлари барқарорлашишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 6 республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот асосий натижалари бўйича 6 та илмий мақола, 3 таси Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган журналларда, шу жумладан, 2 таси хорижий журналларда, 1 таси импакт-факторга эга илмий нашрда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Тадқиқот ишининг ҳажми 158 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ҳамда муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологиялар ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги изоҳланган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг амалиётда жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **«Инсулт ўтказган беморларнинг ҳиссий ҳолатлари психологик тадқиқот предмети сифатида»** деб номланган биринчи бобида психик фаолиятнинг яхлит ва тизимли амалга ошишидан келиб чиққан ҳолда олий функциялар локализациясига доир илмий қарашлардан эмоционал соҳага оид муаммоларни кенг таҳлил қилинган.

Замонавий нейропсихологиянинг назарий асосини Л.С.Выготский асарларида ишлаб чиқилган олий психик функцияларни тизимли динамик локализация назарияси ташкил этади. А.Р.Лурия ва Л.С.Выготский олий психик функцияларнинг (ОПФ) тизимли динамик локализацияси концепциясини ишлаб чиқдилар (таъриф бердилар), унга кўра инсоннинг ҳар қандай психик фаолияти биргаликда ишлайдиган мия аппаратларининг бутун мажмуаси томонидан таъминланадиган мураккаб функционал тизимдир. Ушбу функционал тизимлар онтогенезда шаклланади ва конкрет вазифага кўра динамик равишда қайта тузилиши мумкин.

Хусусан инсулт ва тиббий психология борасида мамлакатимизда тиббий жиҳатдан (М.М.Асадуллаев, И.А.Киличев, Э.М.Мирджураев, Б.Г.Ғафуров, З.Б.Ажиева) психологик хизматни ташкил қилиш (Ш.Р.Баротов, В.М.Каримова, З.Т.Нишанова, Ғ.Б.Шоумаров, Б.Р.Қодиров) касалликдан кейинги беморлар психологик ҳолатлари (З.Р.Ибодуллаев, Д.И.Илхамова, М.Х.Карамян, Ю.К.Нарметова, Э.Ғ.Ғозиев, Н.Р.Салимова, Д.А.Уразбаева, С.А.Қарахонова) тўғрисида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Невролог ва клиник психолог З.Р.Ибодуллаев инсултнинг турли латерализацияси бўлган икки томонлама беморларда нутқ бузилиши ва опто-фазовий гнознинг шаклланиш сабаблари таҳлили асосида, эмоционал-шахсий соҳадаги бузилишларнинг чап ва ўнг ярим шарда нейропсихологик касалликлар билан ўзаро боғлиқлиги аниқлаган. Шунингдек, биринчилардан бўлиб амбидекстрларда мисолида инсулт кечиши ва ривожланишини кенг тадқиқ қилган.

Замонавий ёндашувларда инсулт ўтказган беморлардаги касалликнинг асоратлари сабаб юзага келувчи когнитив, эмоционал, хавотирли депрессив бузилишлар, ҳаёт сифатининг пасайиши, касалликни даволашда

реабилитация тадбирлари самарадорлиги бўйича турли минтақаларда илмий тадқиқотларда мамлакатимиз олимлардан С.С.Пўлатов, С.Р.Куранбаева И.К.Рустамова, Д.Т.Ходжиева хорижий изланувчилардан Т.А.Доброхотова, О.Э.Мальнева, Э.А.Петрова, Н.В.Шаклунова, О.Г.Коган, Т.Д.Демиденко, М.А.Савина, Ю.Г.Петрова, И.С.Михнева, А.А.Королев, Н.В.Шахпаронова, В.И.Козлов, Н.Г.Ермакова, Б.Д.Карвасарский, Е.Т.Соколова, Е.М.Янковская, Е.Н.Тимошенко, J.H.Sun, M.D.Patel, D.Maya, D.Achten, Astrom'a, ишлари таҳлили келтирилган. Шунингдек, инсульт ўтказган беморларда ҳиссий ҳолатларнинг намоён бўлиши бўйича хорижий олимлардан M.Hackett, M.Herrman, R.Robinson, T.Cumming, C.Vickery, P.Giakobbe, A.Carota, A.Lepreavuori, S.Aybek, L.Caeiro, R.Marin, H.Wahl илмий-амалий ишлари ҳам ўрганилган.

**«Инсультда эмоционал ҳолатларидаги ўзгаришларнинг мия функционал асимметрияси ва касаллик даврига кўра тафовутлари»** деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида тиббий-психологик тадқиқотларнинг методологик асослари, инсульт ўтказган беморлар психодиагностикаси метод ва методикалар тавсифи, ҳаёт сифати, эмоционал ҳолатларнинг намоён бўлиши масалалари баён этилган.

Биз илмий тадқиқот ишимизда инсульт ўтказган беморларнинг эмоционал ҳолатларини эпирик ўрганиш асосида ЎЯШ, ЧЯШ бузилишлари ва касалликни ўтказиш даврларига қараб экспериментал маълумотлар олинди. Қуйидаги жадвалда ЎЯШ, ЧЯШ бузилишлар ва касаллик даврларига қараб респондентлар ҳақида умумий маълумот келтирилди.

#### 1-жадвал.

##### Эксперименталда қатнашган беморлар ҳақида умумий маълумот (n=97)

| №                  | Касаллик асоратлари       | Эрта тикланиш Даври (n=18) | Кеч тикланиш даври (n=27) | Инсульт қолдиқ асоратлари (n=52) | Жами (n=97) |
|--------------------|---------------------------|----------------------------|---------------------------|----------------------------------|-------------|
| <b>Жинс</b>        | Эркак                     | 12                         | 18                        | 27                               | 57          |
|                    | Аёл                       | 6                          | 9                         | 25                               | 40          |
| <b>Локализация</b> | Унг ярим шар инсульта     | 6                          | 8                         | 26                               | 40          |
|                    | Чап ярим шар инсульта     | 9                          | 14                        | 25                               | 48          |
|                    | Вертебро-базилляр ҳавзаси | 3                          | 5                         | 1                                | 9           |

Инсульт ўтказган беморларнинг эмоционал соҳасини ташхис қилишда бевосита тиббий ходимларга ва бемор касаллик тарихига мурожаат қилинди. Касаллик тарихини ўрганишда беморлар дастлабки тиббий ва ижтимоий маълумотлар базаси яратилиб, улар касаллик даврларига қараб таснифланиб, жадвал шаклига олиб келинди (1-жадвалга қаранг). Ишемик инсульт ташхиси қўйилган беморлар билан ишлашда эҳтиёткорлик ва ўзига хос деонтологик қоидаларга риоя қилинган ҳолда тадқиқот ишида кузатиш, суҳбат методлари, шунингдек, психологик статусни баҳолаш учун тиббий психологик анкетадан (Ибодуллаев З.Р. бўйича патент № 001031) фойдаланилган.

Синалувчиларда ўтказилган тиббий психологик анкета асосида уларнинг касаллик сабабли ҳаёт тарзи, билиш жараёнлари, ҳулқ-атвори, эмоционал ҳолати ва психологик хусусиятлари, атрофдагиларга муносабати, меҳнат фаолияти, эҳтиёжларнинг қондирилиши, яшашга нисбатан муносабатлари хусусида маълумотлар олинган.

Тадқиқот усулларида қўлланилган методикалар эмпирик натижаларнинг ишончлилик даражасини тасдиқлашда математик-статистика методларидан К.Пирсоннинг  $r$ -корреляция коэффиценти фойдаланилган ҳолда бош миянинг ўнг ва чап ярим шарлар (ЎЯШ ва ЧЯШ) бузилишлари ва касаллик даврларига қараб таҳлил қилинган.

## 2-жадвал

### Ўнг мия ярим шарларида инсулт ўтказган беморлар психологик ва касалликка муносабат кўрсаткичларининг ўзаро алоқадорлик хусусиятлари (К.Пирсон чизикли корреляция коэффиценти бўйича) (n=40)

| №           | Кўрсаткичлар               | Хавотирли | Апатик | Неврастения | Обсессив-фобияли | Сензитив | Эгоцентрик | Эйфорик | Анозогнозик | Эргопатик | Паранойял |
|-------------|----------------------------|-----------|--------|-------------|------------------|----------|------------|---------|-------------|-----------|-----------|
|             |                            |           |        |             |                  |          |            |         |             |           |           |
| Ҳаёт сифати | Оғриқнинг интенсивлиги     | -0,33*    | -0,08  | -           | -0,02            | -        | -0,06      | -       | -           | -0,15     | -0,05     |
|             | Саломатлик умумий ҳолати   | 0,08      | -0,19  | -           | -                | -0,08    | -          | -0,08   | -0,07       | -0,21     | 0,05      |
|             | Ҳаётини фаоллик            | -0,06     | -      | -0,19       | -0,07            | -0,09    | -          | 0,13    | 0,04        | 0,03      | 0,08      |
|             | Ижтимоий ҳаракатчанлик     | -0,27     | -0,16  | -0,21       | 0,09             | -        | -          | -0,04   | -0,14       | -0,2      | -0,15     |
|             | Психологик саломатлик      | -0,25     | 0,02   | 0,006       | -0,21            | -0,11    | -          | 0,02    | -0,15       | -0,15     | -         |
| РХ, ШХ      | Реактив хавотир            | 0,15      | -      | 0,16        | 0,11             | -0,05    | 0,005      | 0,02    | 0,14        | 0,12      | 0,1       |
|             | Шахсий хавотир             | -0,01     | 0,0008 | 0,17        | 0,30*            | -0,07    | -0,19      | -       | -0,21       | 0,08      | 0,18      |
| ЎФК         | Кайфият                    | -         | -0,11  | -0,12       | -                | 0,04     | 0,12       | 0,24    | 0,45**      | -0,01     | 0,15      |
| Депрессия   | Когнитив-аффектив субшкала | -0,3      | 0,16   | -           | 0,1              | 0,12     | 0,23       | -0,09   | -0,13       | 0,25      | 0,26      |
|             | Соматизизация субшкаласи   | -0,03     | 0,21   | -0,08       | 0,16             | 0,23     | 0,21       | -0,17   | -0,02       | 0,30**    | 0,16      |

Изоҳ: \*\*\* $p \leq 0,01$ ; \*\* $p \leq 0,05$

Шахс сўровномасининг тадқиқотимизда қўлланилаган методикалар бўйича ўзаро алоқадорлик хусусиятлари текширилганда қуйидаги натижалар аниқланди (2-жадвалга қаранг). Оғриқ интенсивлиги, хавотирланувчанлик ва кайфият даражалари ўртасида салбий корреляцион алоқадорлик намоён бўлди ( $r=-0,33$   $p\leq 0,05$ ;  $r=-0,32$ ;  $p\leq 0,05$ ). ЧЯШ беморларда касаллик асоратлари ортгани сайин хавотирланиш ортиб, ўз саломатлигини тиклашга бўлган ҳаракатлари кучайса, ЎЯШ инсульти таснифига кўра тескари ҳолат юзага келади, улар саломатлигига нисбатан бефарқ муносабатда бўладилар.

Шахс сўровномасининг апатия типи билан ҳаётининг фаоллик кўрсаткичи ва реактив хавотир даражалари ўртасида аҳамиятсиз алоқадорлик кузатилди ( $r=-0,37$ ;  $p\leq 0,05$ ;  $r=-0,44$ ;  $p\leq 0,05$ ), бу ҳолат ЎЯШ инсульти ўтказган беморлар учун табиий ҳолат сифатида қабул қилинади. Чунки бу турдаги беморларда бефарқлик ҳислари устунлик қилади. Ижтимоий ҳаракатчанлик кўрсаткичи, сензитив типи билан ( $r=-0,38$ ;  $p\leq 0,05$ ), эгоцентризм эса саломатликнинг умумий ҳолати ( $r=-0,32$ ;  $p\leq 0,05$ ), ҳаётининг фаоллик ( $r=-0,34$ ;  $p\leq 0,05$ ), ижтимоий ҳаракатчанлик ( $r=-0,31$ ;  $p\leq 0,05$ ), психологик саломатлик шкалалари ( $r=-0,43$ ;  $p\leq 0,05$ ) билан тескари алоқадорликни намоён қилди. Беморлардаги эмоцияларни назорат қилиш атрофдаги воқеа-ҳодисаларни ўз мажбуриятдан чиқариб, ўз яқинларини фақат айблаш, ўзига жалб қилиш ошиши, ўзи эмас бошқаларни айблашга ўтиб олиш, улардаги бошқа кўрсаткичлар пасайиб кетишига сабаб бўлган.

Оғриқнинг интенсивлиги билан эйфория, анозогнозия типлари билан тескари алоқадорликни ( $r=-0,43$ ;  $p\leq 0,01$   $r=-0,42$ ;  $p\leq 0,01$ ), обсессив – фобияли типи, шахсий хавотир ( $r=0,30$ ;  $p\leq 0,05$ ), анозогнозия типи кайфият даражаси билан, соматизизация субшкаласи эса эргопатик типи билан тўғри алоқадорликни кўрсатди ( $r=0,45$ ;  $p\leq 0,01$ ;  $r=0,30$ ;  $p\leq 0,05$ ). ЎЯШ инсульти беморларида касаллик оғир даражада бўлсада уларда буни инкор қилиш ҳолатлари кучли бўлади, шунингдек кайфиятнинг юқорилигига ҳам мавжуд вазиятга ҳолисона баҳо бермаслиги натижасидир. Паранойя тури, умумий саломатлик ва неврастения типи когнитив-аффектив субшкаласи, эйфория турининг шахсий хавотир даражаси билан аҳамиятсиз боғлиқликни кўрсатди ( $r=-0,45$ ;  $p\leq 0,05$ ;  $r=-0,31$ ;  $p\leq 0,05$ ;  $r=-0,32$ ;  $p\leq 0,05$ ). Когнитив бузилишлари бўлган беморларда салбий ҳис-туйғулар, ўзгармаслик ҳисси ва терапевтик чораларни рад этиш кучаяди, бу эса психологик ҳолат ва асабий тарангликнинг пасайишига олиб келади. Ўнг ярим шарда бу ҳолат эйфория билан тавсифланади. Бу ҳолат кўпинча ЎЯШ инсульти беморларда кузатилади (2-жадвалга қаранг).

Хусусан, ушбу тадқиқот натижалари ЧЯШ бузилишлари инсульти беморларда қуйидаги натижани берди.

Инсултдан кейин ЧЯШ бузилишлари бўлган беморларда жисмоний ҳаракатчанлик, психологик саломатлик, соматизизация субшкаласи ўртасида апатия типи билан аҳамиятсиз ( $r=-0,32$ ;  $p\leq 0,05$ ;  $r=-0,34$ ,  $p\leq 0,05$ ;  $r=-0,32$ ;  $p\leq 0,05$ ), когнитив-аффектив субшкаласи билан аҳамиятли ( $r=0,29$ ;  $p\leq 0,05$ ) алоқадорликни кўрсатди. ЧЯШ инсульти бузилишлари мавжуд беморларда

ЎЯШ қараганда саломатликни тиклашга бўлган мотивлари кучлилиги сабабли уларда камдан кам ҳолларда апатик ҳолатлар кузатилади, яъни беморда кучли соматик бузилишлар қайд қилинганда. Жисмоний ҳаракатчанлик, умумий саломатлик кўрсаткичлари неврастения типи билан ( $r=0,36$ ;  $p\leq 0,05$ ;  $r=0,39$ ;  $p\leq 0,01$ ), умумий саломатлик, психологик саломатлик эйфорик ( $r=0,35$ ;  $p\leq 0,05$ ) ўз-ўзини ҳис қилиш даражаси анозогностик типлари билан ўзара тўғри алоқадорликни намоён қилди ( $r=0,34$ ;  $p\leq 0,05$ ). Инсулт ўтказган беморларда саломатлигига боғлиқ оғриқлар, ногиронлик уларда ғазаб, асабийлик, шифокорлар билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради, шу билан бирга асли чап мия инсулти бузилишлари мавжуд беморларнинг қайта инсулт ўтказиши натижасида ўнг мия ярим шарларида бузилишлар юзага келиши натижасида анозогнозия, касаллик нисбатан эйфорик муносабат қайд қилиниши мумкин. Бу ҳолатларнинг барчаси беморнинг эмоционал ҳолатига жиддий таъсир кўрсатади (3-жадвалга қarang).

### 3-жадвал


**Бош мия чап ярим шарларида инсулт ўтказган беморлар психологик ҳолатлари ва касалликка муносабати ўзаро алоқадорлиги хусусиятлар (К.Пирсон чизикли корреляция коэффиценти бўйича) (n=48)**

| №           | Кўрсаткичлар                | Гармоник      | Хавотирланувчан | Ипохондрик    | Апатия         | Неврастения   | Эгоцентрик     | Эйфорик       | Анозогностик  |
|-------------|-----------------------------|---------------|-----------------|---------------|----------------|---------------|----------------|---------------|---------------|
| Ҳаёт сифати | Жисмоний ҳаракатчанлик      | 0,13          | 0,23            | -0,02         | <b>-0,32**</b> | 0,11          | 0,06           | -0,01         | 0,09          |
|             | Жисмоний роли ҳаракатчанлик | 0,15          | 0,18            | 0,09          | -0,02          | <b>0,36**</b> | 0,06           | 0,02          | 0,14          |
|             | Умумий саломатлик           | 0,01          | -0,06           | 0,13          | 0,17           | <b>0,39**</b> | 0,15           | -0,1          | -0,1          |
|             | Психологик саломатлик       | 0,17          | 0,26            | -0,17         | <b>-0,34**</b> | 0,24          | 0,14           | <b>0,35**</b> | 0,17          |
| РХ          | Ректив хавотир              | <b>0,29**</b> | -0,12           | -0,03         | 0,02           | 0,04          | 0,18           | -0,21         | -0,22         |
| ЎФК         | Ўз-ўзини ҳис қилиш          | -0,01         | <b>0,36**</b>   | <b>0,44**</b> | -0,05          | -0,18         | <b>-0,28**</b> | 0,12          | <b>0,34**</b> |
|             | Фаоллик                     | 0,05          | <b>0,30**</b>   | <b>0,30**</b> | -0,07          | -0,06         | -0,03          | -0,008        | 0,23          |
|             | Кайфият                     | 0,19          | -0,21           | -0,05         | 0,004          | -0,04         | -0,19          | 0,03          | 0,24          |
| «Дересея»   | Когнитив-аффектив субшкала  | 0,002         | -0,19           | 0,18          | <b>0,29**</b>  | -0,22         | 0,09           | -0,19         | <b>0,006</b>  |
|             | Соматизизация субшкаласи    | 0,13          | 0,23            | -0,02         | <b>-0,32**</b> | 0,11          | 0,06           | -0,01         | 0,09          |

Изоҳ: \*\*\*  $p\leq 0,01$ , \*\*  $p\leq 0,05$

Реактив хавотир билан гармония типи ( $r=-0,29$ ;  $p\leq 0,05$ ), ўз-ўзини ҳис қилиш, фаоллик даражалари хавотирланувчанлик, ипохондрия типлари ( $r=-0,36$ ;  $p\leq 0,05$ ;  $r=-0,44$ ;  $p\leq 0,05$ ;  $r=-0,30$ ;  $p\leq 0,05$ ;  $r=-0,30$ ;  $p\leq 0,05$ ), шунингдек, ўз-ўзини ҳис қилиш кўрсаткичи эгоцентризм типлари ўртасида манфий алоқадорлик намоён бўлди ( $r=-0,28$ ;  $p\leq 0,05$ ). ЧЯШ бузилишлари мавжуд беморда шахсий хавотирларидан кўра вазиятли хавотирлари кучли бўлиши натижасида касалликни гармоник муносабатда таҳлил қилиш қийин кечади, бу эса ўз навбатида даволанишга, саломатлигига нисбатан шубҳаларини оширади. Улардаги хавотирланувчанлик, ипохондрия кучлилиги ўз-ўзини ҳис қилиш фаоллик даражасини пасайишига сабаб бўлади. Бемордаги доим хавотирнинг юқорилиги саломатликни тикланишига етарли эмас. Беморнинг кучли даража ўз менини исботлашга қаратилган ҳаракатлари ўз-ўзини ҳис қилишнинг ёмонлашувига олиб келади (3-жадвалга қаранг).

Инсулт ўтказган беморларнинг эмоционал ҳолатларини психодиагностика қилишда бир хил касалик ташхис қўйилган беморларнинг эмоционал ҳолатларида турли хил фарқни кузатдик. Бу эса беморнинг эмоционал ҳолати намоён бўлиши бевосита унинг касалликка муносабат типини боғлиқлигини билдиради. Касалликнинг турли даврларда касалликка муносабат беморларнинг эмоционал ҳолатидан келиб чиққан. Беморлардаги бу фарқлар касалликка муносабат типини ўрганишга қаратилган «Бехтерев институтининг шахс сўровномаси» аниқланди ва қуйидаги сўровнома натижалари диаграмма кўринишда келтирилди (1-расмга қаранг).



**1-расм. Беморларда шахс типларининг намоён бўлиши (n=97)**

Инсулт ўтказган беморларнинг касалликка муносабат типини аниқлаш жараёнида муносабат типларининг диффуз ҳолда учраши намоён бўлди. Мазкур типлар ичида энг кўп неврастения (72), хавотирланувчанлик (54), апатик (51), сензитив (40), эгоцентрик (36), обсессив-фобияли ва ипохондрия (31), паранойял (25), эргопатик (21), анозогнозик (20), эйфорик (14),

гармоник (12) кабилар юқори даражада ифодаланди. Бундан келиб чиқадики, ишемик инсулт ўтказган беморларда юқори даражада, неврастения ва хавотирланувчанлик, эгоцентризм, сензитивлик типлари аниқланди. Беморда асабийлашиш, оғриқлардан, ёқимсиз хиссиётлардан, даво чораларининг самарасизлигидан, касалликдан тузалишга сабрсизлик ҳолатлари кузатилди.

Шунингдек, тажриба-синов ишларимиз инсулт ўтказмаган соғлом инсонлар билан ҳам ўтказилди. Кузатиш методи ёрдамида уларда асосан, босиқлик, очиклик, ўз касбий фаолиятида илғорлик, ўз-ўзини баҳолашнинг юқорилиги, кайфиятларида кўтакиринлик, жисмоний ҳолатида фаоллик, эмоционал ҳолатида барқарорлик қайд қилинди.

Навбатдаги методикалар Ч.Д.Спилбергер ва Ю.Л.Ханиннинг «Вазиятли ва шахсий хавотирланиш» даражасини аниқлаш сўровномаси, В.А.Доскин, Н.А.Лаврентева, В.Б.Шарай, М.П.Мирошниковларнинг «ЎФК» сўровномаси, А.Бекнинг «Депрессияни аниқлаш» тест-сўровномаси соғлом инсонларда ўтказилди.

Айни вақтда инсулт касаллиги ташхиси қўйилмаган инсонларни кузатиш ва улар билан олиб борилган суҳбат жараёнида, уларда рухий беқарорлик, хавотирлик, ўз-ўзини ҳис қилиш, фаоллик, кайфиятларида муаммолар деярли йўқлиги, аффектив ва соматик депрессия ҳолатлари мавжуд эмаслиги аниқланди. Баъзи синалувчиларимиз кексалик даврини бошдан кечираётганлиги сабабли, уларда кузатилган эмоционал бузилишлар геронтопсихологик хусусиятлар сифатида қабул қилинди. Юқорида номлари келтирилган методикалар натижалари соғлом ва бемор, касаллик даврларига бўлиниб, улар ўртасидаги статистик фарқ Стьюдент мезони бўйича таҳлил қилинди.

#### 4-жадвал.

#### Соғлом ва бемор синалувчилар натижаларидаги статистик фарқ (n=40)

| №  | Кўрсаткичлар     |                    | M1(соғлом) | M2 (бемор) | t – статистик фарқ кўрсаткичи |
|----|------------------|--------------------|------------|------------|-------------------------------|
| 1. | Спилбергер-Ханин | Реактив хавотир    | 40,35      | 47,34      | -6,29***                      |
|    |                  | Шахсий хавотир     | 42,2       | 45,17      | -3,06***                      |
| 2. | ЎФК              | Ўз-ўзини ҳис қилиш | 4,18       | 3,20       | 7,03***                       |
|    |                  | Фаоллик            | 4,07       | 2,84       | 12,001***                     |
|    |                  | Кайфият            | 4,33       | 3,44       | 7,74***                       |
| 3. | А.Бек            | Когнитив-аффектив  | 9,87       | 16,10      | -10,48***                     |
|    |                  | Соматизация        | 11,9       | 12,38      | -0,74                         |

Изоҳ: \*  $p \leq 0,10$ ; \*\*  $p \leq 0,05$ ; \*\*\*  $p \leq 0,01$ .

Бунга кўра соғлом ва бемор синалувчилардаги реактив ва шахсий хавотирлари ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқни намоён этди ( $t = -6,29$ ,  $p \leq 0,01$ ;  $t = -3,06$ ,  $p \leq 0,01$ ). Соғлом ва бемор синалувчиларнинг жавоблари ўзаро қиёсланганда «ЎФК» (ўз-ўзини ҳис қилиш, фаоллик, кайфият) методикаси статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқни намоён қилди ( $t = 7,03$ ,  $p \leq 0,01$ ;  $t = 12,001$ ,  $p \leq 0,01$ ;  $t = 7,74$ ,  $p \leq 0,01$ ).

А.Бекнинг депрессияни аниқлаш сўровномаси когнитив-аффектив субшкаласи бўйича соғлом ва бемор синалувчилар натижаларида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ мавжудлиги аниқланди ( $t=-10,48$ ;  $p\leq 0,01$ ) ҳамда соматизация субшкаласи натижалари статистик жиҳатдан ўзаро алоқадор эмасликни намоён қилди (4-жадвалга қarang)

Соғлом инсонлар ҳаётий мураккаб вазиятларда хавотирлари, стрессни бошдан кечириш ва ўз-ўзини ҳис қилиш, кайфияти, тушкунлик, депрессия даражалари беморларга қараганда анча пастлигини кўрсатди. Яъни инсулт касаллиги тўсатдан содир бўлиши ҳаётий қийин вазиятлар ва улардан ечим топиб чиқиб кета олмасликка олиб келиб, беморни ўзгалар ёрдамига муҳтож қилиб қўяди. Натижада, беморларнинг эмоционал ҳолатларида бузилишлар юзага келади, ўз ижтимоий ролларини йўқотиш ҳам уларга катта таъсир кўрсатади.

SF-36 Ҳаёт сифатини баҳолаш сўровномаси турли даражадаги беморлар натижаларидаги статистик фарқ аниқланди.

**5-жадвал.**

**Ҳаёт сифати (SF-36) сўровномаси бўйича турли даврдаги беморлар натижаларидаги статистик фарқ (n=97)**

| №  | Кўрсаткичлар  | 1-2-даври беморлар хусусиятларидаги фарқ | 1-3-даври беморлар хусусиятларидаги фарқ | 2-3-даври беморлар хусусиятларидаги фарқ |
|----|---|--|--|--|
| 1. | Жисмоний ҳаракатчанлик                              | -1,69*                                   | -4,36***                                 | -2,15**                                  |
| 2. | Жисмоний ҳолат билан шартланган ролли ҳаракатчанлик | -0,94                                    | -2,64**                                  | -1,63                                    |
| 3. | Оғриқнинг интенсивлиги                              | -2,54**                                  | -7,46***                                 | -5,73***                                 |
| 4. | Саломатликнинг умумий ҳолати                        | -3,04***                                 | -3,56***                                 | -0,003                                   |
| 5. | Ҳаётий фаоллик                                      | -1,82*                                   | -0,9                                     | 1,20                                     |
| 6. | Ижтимоий ҳаракатчанлик                              | 0,5                                      | -3,17***                                 | -4,15***                                 |
| 7. | Эмоционал ҳолат билан шартланган ролли фаолият      | -0,65                                    | -2,58**                                  | -1,83*                                   |
| 8. | Психик саломатлик                                   | -1,57                                    | -4,82***                                 | -2,95***                                 |

Изоҳ: \*  $p\leq 0,10$ ; \*\*  $p\leq 0,05$ ; \*\*\*  $p\leq 0,01$ .

Синалувчиларда барча даврлар бўйича жисмоний ҳаракатчанлик хусусиятлари ўртасида аҳамиятли фарқ аниқланди ( $t=-1,69$ ;  $p\leq 0,10$ ;  $t=4,36$ ;  $p\leq 0,01$ ;  $t=-2,15$ ;  $p\leq 0,05$ ). Жисмоний ҳолат билан шартланган ролли ҳаракатчанлик кўрсаткичи бўйича 1-3-давр беморлар хусусиятларига кўра

эса аҳамиятли фарқ мавжудлиги аниқланган ( $t=2,64$ ;  $p\leq 0,01$ ). Оғриқнинг интенсивлиги барча даврдаги ( $t=-2,54$ ;  $p\leq 0,05$ ;  $t=-7,46$ ;  $p\leq 0,01$ ;  $t=-5,73$ ;  $p=0,01$ ), умумий саломатлик 1-2, 1-3 даврдаги ( $t=-3,04$ ;  $p\leq 0,01$ ;  $t=-3,56$ ;  $p\leq 0,01$ ), ҳаётий фаоллик 1- 2-даврлардаги ( $t=1,82$ ;  $p\leq 0,10$ ), ижтимоий ҳаракатчанлик, эмоционал ҳолат билан шартланган ролли фаолият, психологик саломатлик кўрсаткичлари 1-3, 2-3 даврлардаги ( $t=-3,17$ ;  $p\leq 0,01$ ;  $t=-4,15$ ;  $p\leq 0,01$ ;  $t=-2,58$ ;  $p\leq 0,05$ ;  $t=-1,83$ ;  $p\leq 0,10$ ;  $t=-4,82$ ;  $p\leq 0,01$ ,  $t=2,95$ ;  $p\leq 0,01$ ) беморлар хусусиятлари ўртасида статистик тафовут мавжудлиги намоён бўлди (5-жадвалга қаранг).

«Реактив ва шахсий хавотирлик даражасини ўрганиш» сўровномасига кўра, реактив хавотирланиш 1-2-давр, 1-3-даврдаги беморлар хусусиятлари ўртасида фарқ статистик аҳамиятга эга ( $t=2,42$ ;  $p\leq 0,05$ ;  $t=3,34$ ;  $p\leq 0,01$ ). Шахсий хавотир даражасига кўра эса аҳамиятга эга эмаслиги қайд қилинди (6-жадвалга қаранг).

#### 6-жадвал.

#### Реактив ва шахсий хавотирлик даражасини ўрганиш сўровномаси бўйича турли даврдаги беморлар натижаларидаги статистик фарқ ( $n=97$ )

| №  | Кўрсаткичлар    | 1- 2-даврдаги беморлар хусусиятларидаги фарқ | 1- 3-даврдаги беморлар хусусиятларидаги фарқ | 2- 3-даврдаги беморлар хусусиятларидаги фарқ |
|----|-----------------|--|--|--|
| 1. | Реактив хавотир | 2,42**                                       | 3,34***                                      | 0,86   |
| 2. | Шахсий хавотир  | -0,38  | 0,09   | 0,57   |

Изоҳ: \*  $p\leq 0,10$ ; \*\*  $p\leq 0,05$ ; \*\*\*  $p\leq 0,01$ .

ЎФК натижаларига кўра, ўз-ўзини ҳис қилиш шкаласи барча даврларда ( $t=-2,60$ ;  $p\leq 0,05$ ;  $t=-6,14$ ;  $p\leq 0,01$ ;  $t=-2,38$   $p\leq 0,01$ ), фаоллик шкаласи кўра 1- 3- давр, 2- 3-даврларда ( $t=-2,46$ ;  $p\leq 0,05$ ;  $t=-2,27$ ;  $p\leq 0,05$ ), кайфият шкаласи бўйича 1- 3-даврлардаги ( $t=2,27$ ;  $p\leq 0,05$ ) беморлар хусусиятларида фарқ статистик аҳамиятга эгаллиги аниқланди (7-жадвалга қаранг).

#### 7-жадвал.

#### ЎФК сўровномаси бўйича турли даражадаги беморлар натижаларидаги статистик фарқлар қуйидаги жадвалда акс этган

| №  | Кўрсаткичлар       | 1- 2-давридаги беморлар хусусиятларидаги фарқ | 1- 3-давридаги беморлар хусусиятларидаги фарқ | 2- 3-давридаги беморлар хусусиятларидаги фарқ |
|----|--------------------|---|---|---|
| 1. | Ўз-ўзини ҳис қилиш | -2,60**                                       | -6,14***                                      | -2,83***                                      |
| 2. | Фаоллик            | -0,92   | -2,46**                                       | -2,27**                                       |
| 3. | Кайфият            | -1,13   | -2,27**                                       | -1,44   |

Изоҳ: \*  $p\leq 0,10$ ; \*\*  $p\leq 0,05$ ; \*\*\*  $p\leq 0,01$ .

Диссертациянинг учинчи боби «Инсулт ўтказган беморлар эмоционал соҳасига психологик таъсир кўрсатиш имкониятлари» деб

номланиб, унда экспериментал гуруҳдаги беморлар эмоционал соҳасининг хусусиятлари, инсульт ўтказган беморлар билан психокоррекция иш олиб боришнинг дастурий асослари, беморларга психокоррекция ёрдам бериш самарадорлиги амалий ишлар ёрдамида аниқланди. Дастурнинг назарий асосини замонавий психология йўналишларидан психоанализ, гештальт терапия, гуманистик психология, когнитив терапияси, рационал-эмотив терапия, нейролингвистик дастурлаш (НЛД), арт-терапия, музика терапия, библиотерапия, кум терапияси каби ёндашувлар ва аутоген, релаксация машғулотлари беморларнинг эмоционал ҳолатларнинг психологик хусусиятларига эмоционал-ҳиссий соҳасига психокоррекция таъсир кўрсатиш модели хизмат қилади.

